

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ИПАКЧИЛИК ВА ТУТЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Умумий зоотехния кафедраси
БАКАЛАВРИАТ 5440100–Ветеринария таълим йўналиши
4-98 гуруҳ талабаси:

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Бузоқлар темирлатки касаллигини махсус профилактикасининг самарадорлиги”.

АМИНЖОНОВ БОБИР УСИБЖОН ЎҒЛИ

Илмий раҳбар:

Умумий зоотехния кафедраси

профессори

А.Абдусатторов

“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

Умумий зоотехния кафедраси мудири,

қ.х.ф.д, доцент _____ Ў.Р.Соатов

баённома №__ «__» _____ 2020 йил

Ипакчилик ва тутчилик факультети

декани, доцент _____ Н.О.Ражабов

“____” _____ 2020 й.

ТОШКЕНТ-2020 йил

МУНДАРИЖА

№		Бет
I.	Кириш.....	3
II.	Адабиётлар таҳлили	7
III.	Хусусий тадқиқотлар.....	12
3.1.	Материалларни текшириш услублари.....	12
3.2.	Темиратки касаллигининг эпизоотологияси.....	13
3.3.	Касаллик диагностикаси ва клиник белгилари.....	15
3.4.	Темиратки касаллигининг лаборатория диагностикаси.....	15
IV.	Касалликнинг махсус профилактикасининг самардорлиги.....	28
V.	Темиратки касаллигида эпизоотияга қарши тадбирлар режасининг амалий аҳамияти.....	30
VI.	Ветеринария ишини ташкил этиш,иқтисоди ва менежменти.....	34
VII.	Фуқаролар мудофааси ва меҳнатни муҳофаза қилиш	47
VIII.	Хулоса	48
IX.	Амалиётга тавсиялар.....	49
X	Фойдаланилган адабиётлар.....	50
XI	Иловалар.....	52

I КИРИШ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил "28" мартдаги "Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5696-сон Фармони ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида бир қанча ишлар режаси тузиб олинди.

Бугунги кунда ветеринария соҳасида юксак малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда мавжуд таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Ветеринария соҳаси учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш сифатини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8-майдаги № ПҚ-3703-сонли қарорига асосан, Самарқанд ветеринария медитцина институти ташкил этилди.

Бу қарорга мувофиқ ветеринария соҳаси кадрларини тайёрлаш тизимини мақбуллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, моддий-техника базани мустаҳкамлаш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш салоҳиятини ошириш, юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнларини тубдан такомиллаштириш бўйича қарор қабул қилинган. Ушбу қарордан кўзланган мақсад биз талабалар олий таълим муассасасини битирганимиза жамиятимиз учун кучли-билимли ва малакали мутахасис бўлиб етишишимиздир.

Бундан ташқари юртимизда 15 июнда қабул қилинган 3057-сонли президент қарорига биноан Ўзбекистонда йилқичилик ва от спортини ривожлантириш бўйича бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон От спорти федерацияси бундан буён зотдор отларнин етиштириш билан шуғулланади. Бунинг учун федерация ихтиёрида махсус

фонд ташкил қилинади. Шундай қилиб, зотдор, спорт ва хизмат отларини етиштириш ва селекция қилиш билин ягона тизм шуғулланади.

Республикамиз аҳолисини сифатли ва арзон чорвачилик маҳсулотлари билан янада яхшироқ таъминлаш чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, уларни туйимлилигини ва санитария сифатини ошириш катта аҳамиятга эга бўлиб, кейинги вақтларда асосан чорвачилик хўжаликларида бузоқлар орасида темираткиси касаллигини кўпайиши ва уларни ўз вақтида олдини олиш ва даволаш ишлари амалга ошириш ишларини режали равишда бажарилмаслиги бу масалани самарали ҳал этишга катта тўсқинлик қилмоқда. Натижада темиратки касаллик оқибатида чорвачилик хўжаликларига катта иқтисодий зарар етказилиб, бу касалликларни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида касалликларни олдини олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётда жорий этиш эҳтиёжини туғдиради.

Хусусан бузоқларда темиратки касалиги нафақат чорвачиликда катта иқтисодий зарар келтириб қолмасдангина инсонлар ўртасилда кенг тарқалган ўта хавфли инфекцион касаллик бўлиб амалда ветеринарияда тадбирларни режали равишда ташкиллаштириш ва оқилона амалга оширишда биз мутахассислардан талаб этилади. Бу эса бузоқлар темиратки касаллигига қарши чора-тадбирларини, айниқса дезинфекция тадбирларини ўз вақтида қисқа муддатда ветеринария қонунчилигига амалга оширишда инфекцияни йўқотишда махсус профилактиканинг аҳамияти жуда катта.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон иқтисодиёти биринчи навбатда аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган. Чорвачилик эса қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамиз аҳолисини сифатли ва арзон чорвалик маҳсулотларини яна яхшироқ таъминлаш, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, уларни тўйимлилиги ва санитария сифатини ошириш катта

аҳамиятга эга бўлиб, қорамолчилик хўжаликларида темиртки касаллиги бу масалани самарали ҳал этишга катта тўсқинлик қилмоқда. Уларнинг оқибатида қорамолчилик хўжаликларида катта иқтисодий зарар етазилаётган бўлсада бу касалликларни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кунда ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида касалликларини олдини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш эҳтиёжини туғдиради.

Дермотомикозлар гуруҳига мансуб бўлган трихофития ва микроскопия касалликларини қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасида жуда кенг тарқалган. Умуман қишлоқ хўжалик ҳайвонларидаги юқумли касалликларнинг 20-28% улуши шу тур касалликларнинг зиммасига тўғри келади.

Дермотомикозлар билан қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан ташқари одамлар ҳам касалланиб, зооантропонозлар гуруҳига кирувчи туркум касалликларидандир.

Ўзбекистон, Россия, Озарбайжон ва Нахи-Чеванда бузоқлар темирткисини ўрганган олимларнинг маълумотлари тахмин қилинса, касалликга чалинган бузоқлар касалланиш жараёни даврида 1,7-3,2 кг гача тана оғирлигини йўқотади.

Касал бузоқларнинг жароҳат жойлари нотўғри даволанганлиги сабабли терини қайта ишлаш корхоналарида технологик жараёнда тешилиб қолади, терининг товар стандартлилиги мутлақо бузилади.

Касал ҳайвонлар терисининг темирткининг жароҳат жойларидан кўзгатувчини ташқи муҳитга ажратиб, экологик муҳитга таъсир этади ва ҳайвонлар учун касаллик кўзгатувчисининг манбаини яратади.

Касаллик касал ҳайвонлардан одамларга юқади ва натижада улар касалланади. Даволаш анча қийин узок муддатга чўзилади.

Олдини олиш ва даволаш учун вакцина, дезинфекцияловчи воситалар даволаш препаратларини сотиб олиш зарур. Чорвачилик хўжаликларини соғломлаштириш тадбирлари қийин кечади.

Дермотомикозлар гуруҳига мансуб бўлган трихофития ва микрокопия касалликлари қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасида жуда кенг тарқалган. Умуман қишлоқ хўжалик ҳайвонларидаги юқумли касалликларнинг 20-28% улуши шу тур касалликларнинг зиммасига тўғри келади.

Дермотомикозлар билан қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан ташқари одамлар ҳам касалланиб, зооантропонозлар гуруҳига кирувчи туркум касалликларидандир.

Темиратки касаллиги билан касалланган ҳайвоннинг жароҳат жойларидан қўзғатувчи ташқи муҳитга ажратиб, экологик муҳитга таъсир этади ва ҳайвонлар учун касаллик қўзғатувчисининг манбаини яратади.

Касаллик касал ҳайвонлардан одамларга юқади ва натижада улар касалланади. Даволаш анча қийин кечади ва узоқ муддат давом этади.

Олдини олиш ва даволаш учун вакцина, дезинфекцияловчи воситалар даволаш препаратларини сотиб олиш ва уларни ишлатиш учун катта маблағ талаб қилади. Фермани соғломлаштириш қийин кечади.

Темиратки билан асосан йирик хохли ҳайвонлар, қўйлар-экчилар, буғилар, бир туёқли ҳайвонлар, туя, ёввойи ҳайвонлар, маймун ҳамда одамлар касалланади. Касаллик асосан ёш ҳайвонлар кенг тарқалиб, йилнинг ҳар қайси фаслларида учрайди, киш, эрта баҳор ва кеч куз ойларда кўпроқ тарқалади. Қўшни мамлакатлар маълумотларига таққослайдиган бўлсак ҳам худди шундай мавсумийлик кўзга ташланади, (Россия, Украина). Бу даврга келиб чорвачилик хўжаликларида ем-хашак базасини етарли эмаслиги, бундан ташқари чорвачилик хўжалигининг географик жойлашуви, шамол йўналиши, намликнинг ошиши, ҳароратнинг кескин пасайиб кетиши каби омиллар касалликнинг диоганалини кенгайтишига ва касалликнинг тез юқишига сабаб бўлади.

II. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.

Қишлоқ хўжалик хайвонлари темирлатки касаллигини 1960-йиллардан бошлаб Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг бир гуруҳ олимлари Ш.Т.Расулов, О.А.Шохназаров, О.А.Бердник, А.Б.Пармонов, М.П.Турдиевлар томонидан йиллар давомида ўрганилиб келинган. Бу олимлар темирлатки касаллигининг эпизоотологияси, этиопатогенези, клиник намоён бўлиши ҳамда касалликга диагноз қўйиш усуллари ҳамда касалликни профилактикаси ва даволаш усуллари бўйича ўзларининг илмий тавсияларини бериб келишган. Ишнинг хулосаси сифатида шуни айтиш жоизки касалликга қарши формал вакцина (ўлдирилган) ишлаб чиқилган. Ўша даврда Ўзбекистон ветеринариясини бошқармасининг буйруғи билан носоғлом хўжаликларда синаб кўриш учун ҳам берилди. Худди шу пайтларда ВИАВнинг (Москва) антибиотикларини ўрганиш ва микология лабораториясининг илмий ходимлари профессор А.Х.Соркисов бошчилигида ўрганиб, кучли иммуногенлик хусусиятига эга бўлган №130 штаммасини ажратиб олдилар. Кейинчалик бу штамма вакцина тайёрлаш учун фойдаланилди. Бу лабораторияда 1970-йилларга келиб, дунё фанида биринчи мартаба аналогик бўлмаган машҳур ТФ-130 (тирик) вакцинаси яратилди. ТФ-трихофитон сўзидан олиниб, 130-эса иммуноген штаммнинг ракам номеридир. Штамма лиофилизация қилинган, вакцина ЛТФ-130 деб номлана бошланди.

Самарқанд ва Москва ветеринария институтлари вакциналари бир-биридан мутлақо фарқ қилиб, технологик жараённинг ўхшашлиги йўқ. ЛТФ-130 ишлаб чиқаришга жорий этилди ҳамда дунёнинг кўзга кўринган мамлакатлари АҚШ, Канада, Япония, Германия, Франция, Англия каби давлатлари патент олиб ишлатдилар. Иммуно таначани замбуруғ элементида аниқланганлиги учун академик, меҳнат қаҳрамони Саркисов А.Х., С.В.Петрович, Никифоров Л.И., Л.М. Яблочниклар Давлат ресстридан утган №278- кашфиётни эълон қилдилар. Иш

бошлиғи А.Х.Саркисовга Бирлашган миллатлар ташкилотининг томонидан тақдирландилар. Вакцина қўлланилгач, эпизоотик ҳолат кескин ижобий томонга бурилди.

Кейинчалик "С-П-I" (йилқилар учун "Триховис"-қўйлар трихофитиясига, "Камелвак"- туялар касаллигига карши ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Юқоридаги олимларимизнинг текширишлар ва маълумотлари шуни кўрсатадики:

1.Ўзбекистон, Россия, Озарбайжон ва Нахи-Чеванда бузоқлар темираткисини ўрганган олимларнинг маълумотлари тахмин қилинса, касалга чалинган бузоқлар касалланиш жараёни даврида 1,7-3,2 кг гача массасини йўқотади.

2. Касал бузоқларнинг жароҳат жойлари нотўғри даволанганлиги туфайли тери кейинчалик тўғри заводга тушгач, технологик жараёнда тешилиб қолади, терининг товар стандартлиги мутлақо бузилади.

3. Касал темираткининг жароҳат жойларидан кўзгатувчини ташқи муҳитга ажратиб, экологик муҳитга таъсир этади ва ҳайвонлар учун касаллик кўзгатувчисининг манбаини яратади.

4. Касаллик касал ҳайвонлардан одамларга юқади ва натижада улар касалланади. Даволаш анча қийин узок муддатга чўзилади.

5. Олдини олиш ва даволаш учун вакцина, дезинфекцияловчи воситалар даволаш препаратларини сотиб олиш зарур. Фермани соғломлаштириш қийин кечади.

Эпизоотологияси. Темиратки билан асосан йирик шохли ҳайвонлар, қўйлар- эчкилар, ўй ҳайвонлар мўйнали ва ёввойи ҳайвонлар,буғилар, йилқилар, туялар ҳамда одамлар касалланади. Асосан ёш ҳайвонлар касалланиб, касаллик йилнинг ҳар қайси фаслларида учраб, киш, эрта баҳор ҳамда кеч куз ойларида кенг тарқалади. Касалликнинг эпизоотик авж олишига чорвачилик хўжалигининг географик жойлашиши, шамол

йўналиши, зоогигиеник кўрсаткичлар, озиқлантириш шароити ҳамда хўжаликнинг санитария ҳолати муҳим роль уйнайди. Қўшни мамлакатлар маълумотларига таққослайдиган бўлсак худди шундай мавсумийлик кўзга ташланади, (Россия, Украина). Бу даврга келиб фермада ем-хашак танқислиги, шамол эсиб туриши, намлик ошиши, ҳароратни пасайиши каби омиллар касаллик юқишини тезлаштиради.

Бу ҳолат мамлакатларнинг цивилизациясига ўта боғлиқдир. Шунинг учун ҳам темирлатки санитария ҳолати паст хўжаликларда жуда ҳам кўп учрайди ва йил давомида рўйхатга олиниб турилади. Озиқлантиришнинг талабга жавоб бермаслиги касаллик кўзғатувчисига ижобий таъсир этувчи турткидир. Касаллик кўзғатувчисининг манбаи касал молдир. А.Х.Саркисов, А.И.НОСКОВ, В.П.Королевалар (1956) қорамолларда трихофития йил давомида учраб, асосан қишда кўпроқ, эрга баҳор, кеч куз ойларида ҳам учраб, ёзда жуда камайишини қайд қилиб ўтдилар. Бу ҳолат Украинада ҳам кузатилган ва асосан бир ёшгача бўлган бузоқлар касалланган. Расулов Ш.Т. (1970) Ўзбекистонда ҳам қорамоллар трихофитияси қиш ойларида авжга чиқиб, асосан бир ёшгача бўлган бузоқлар касалланишини уқтириб ўтдилар. Ф.Залиханова, Е.Марининлар (1972) Кабардин Болқор АССР ва Вологда областида куз-қиш ойларида темирлаткининг кучайишини қайд қилиб ўтадилар. Шу билан биргаликда асосан бир ёшгача бўлган бузоқлар касалланишини қайд этадилар. Агарда 1960-1970 йиллардаги темирлаткига бағишланган адабиётларни анализ қиладиган бўлсак, кўп ҳолларда бузоқлар орасида август-сентябр ойларида бошланиб, қиш ойларида авжга чиқиш қайд қилинади. Касаллик асосан бир ёшгача бўлган бузоқлар орасида рўйхатга олинган.

Йилқилар трихофитияси. Собик мамлакатда 1930 йиллар арафасида йилқилар темирлаткиси кучли тарқалиб кетганлиги қайд этилган.

Йилқиларнинг касалланиши йил давомида кузатилган. Масалан, ипподромларда йилнинг ҳар қандай фаслида учраган, чунки бу ерга йилқилар келиши ҳар фаслда ҳам давом этаверади. Отларни кўпайтириш ва зотларини яхшилаш заводларида эса уларнинг кўлунлашига боғлиқ. Петрович С.В. ва В.В.Андрюшинлар темиратки касаллиги билан ҳамма ёшга мансублари касаллансада, асосан қулунлар мойиллигини ёзадилар. Йилқиларнинг жинси, зоти, рангининг аҳамияти йўқлигини исбот этдилар. Табиий шароитда қулунлар 2-ойликдан бошлаб, касалланади. Касаллик айниқса кузда қулунлар орасида кенг тарқалиб авваллари касалланган бия ва отлар касалланган биноларга киритилганда авжига чиққан.

Туялар трихофитияси-туялар чўл ҳайвонлари туркумига кириб, йил давомида чўлда боқилади. С.Халиловнинг (1987) маълумоти кўра, касалликнинг тарқалиш сабабларидан бўлиб, бўталокларнинг касал ҳайвонлар билан алоқада бўлиши туфайли ва уларнинг ориқлигини рўқач қилиб ўтади. Айниқса бу ҳол бўталоклар авваллари касалга чалинган туялар сақланган жойга ҳайдаб кирилса яққол кўзга намоён бўлади. Бўталокларнинг касалликга чалиниши октябр ойларига тўғри келиб, бу пайтда улар 5-6 ойлик бўлади. Юқоридагилардан катта ёшдага туялар трихофития билан касалланмайди деган хулоса чиқмайди. Айрим ҳолларда 2-3 ёшдагилар ҳам тез-тез касалга чалинади. Бизлар “Мингбулок” кишлоғида 3 яшар туянинг ўта оғир трихофитияга чалинганлигининг гувоҳимиз. М.Азимов (1961) зебуларнинг касалланишини рўйхатга олиниб, асосан бир ойлигидан бир ёшгача бўлганлари касалликга мойил деб уқтиради. Нутриялар ва бошқа мўйнали ҳайвонлар орасида ҳам темиратки жуда тез тарқалади. Қисқа муддат ичида касаллик 70-80 фоизгача тарқаб, катта иқтисодий зарар етказади. Бундай бўлишига асосий сабаб, улар клеткаларда очиқ ҳавода сақланганлиги туфайли бу даражада тарқамаслиги ҳам мумкин.

Қуёнлар орасида ҳам касаллик кенг тарқалиб, айрим ҳолларда 86-93 фоизгача етади. Бу ерда асосан ёш қуёнчалар касалланиб, баҳор-ёз ойларига тўғри келади. Айрим маълумотларни инобатга олсак, қиш ойларида ҳам кўп учрайди (Л.Никифоров). Темиратки билан кемирувчилар ҳам касалланиб, айрим ҳолларда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун касаллик қўзғатувчисининг манбаи ҳам бўлиши текширишлардан маълум.

Касалликнинг қўзғатувчилари. Касаллик қўзғатувчилари асосан замбуруғлар бўлиб *Tr.Verrucosum*, *N.Egvirum*, *M. Egvirum*, *M. Canis*, *Tr. Mentagrophutes*, *T. Sarcisovi*, *T. Verrucosum var. Autotrophucum*, лар ҳисобланиб, бино ва молхоналарда бир неча йиллаб яшай олади. Ёғоч охур, панжара, эшик, ўтин ва идишлар четида 2-3 йиллаб бемалол вирулентлигини сақлаган ҳолда яшайди. Юқоридаги кўрсатилган замбуруғлар ҳар хил ҳайвонларда касаллик чақириб, умумий хусусиятларга эга бўлсада, бир-биридан кўп жиҳатлари билан фарқланади. Касал ҳайвонда келтирилган материал микроскоп остида текширилганда, артроспоралар зарарланган жун толалари атрофида қатор ёки тартибсиз жойлашган ярим ялтирок, думалоқ, доирасимон шарчалар шаклида намоён бўлади.

III. ХУСУСИЙ ТАДҚИҚОТЛАР.

3.1. Темиратки касаллигининг хусусиятлари. Бузоқлар темираткиси.

Дермотомикозлар гуруҳига мансуб бўлган трихофития ва микрокопия касалликларини қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасида жуда кенг тарқалган. Умуман қишлоқ хўжалик ҳайвонларидаги юқумли касалликларнинг 20-28% улуши шу тур касалликларнинг зиммасига тўғри келади.

Дермотомикозлар билан қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан ташқари одамлар ҳам касалланиб, зооантропонозлар гуруҳига кирувчи туркум касалликларидандир.

Бузоқлар трихофитияси 1960-йиллардан бошлаб Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг бир гуруҳ олимлари Ш.Т.Расулов, О.А.Шохназаров, О.А.Бердник, А.Б.Пармонов, М.П.Турдиевлар томонидан ўрганилган. Бу гуруҳ трихофитиянинг этиологияси, эпизоотологияси, патогенези, клиник намоён бўлиши ҳамда баҳоли қудрат диагноз қўйиш усуллари билан шуғулланади. Ишнинг хулосаси сифатида формал вакцина (ўлдирилган) ишлаб чиқилди. Ўша даврда Ўзбекистон ветеринариясини бошқармасининг буйруғи билан носоғлом хўжаликларда синаб кўриш учун ҳам берилди. Худди шу пайтларда ВИЭВ нинг (Москва) антибиотикларини ўрганиш ва микология лабораториясининг илмий ҳодимлари профессор А.Х.Саркисов бошчилигида ўрганиб, кучли иммуногенлик хусусиятига эга бўлган №130 штаммасини ажратиб олдилар. Кейинчалик бу штамма вакцина тайёрлаш учун фойдаланилади. Бу лабораторияда 1970-йилларда келиб, дунё фанида биринчи мартаба аналогик бўлмаган машҳур ТФ-130 (тирик) вакцинаси яратилди. ТФ-трихофитон сўзидан олиниб, 130-эса иммуноген штаммининг ракам номеридир. Штамма лиофилизация қилинган, вакцина ЛТФ-130 деб юритила бошланди.

Самарқанд ва Москва вакциналари бир-биридан мутлоқ фарк қилиб, технологик жараённинг ўхшашлиги йўқ. ЛТФ-130 ишлаб чиқаришга жорий этилди ҳамда дунёнинг кўзга кўринган

мамлакатлари АҚШ, Канада, Япония, Германия, Франция, Англия каби давлатлари патент олиб ишлатдилар. Иммуни таначани замбуруғ элементида аниқланганлиги учун академик, меҳнат қаҳрамони Саркисов А.Х., С.В.Петрович, Никифоров Л.И., Л.М. Яблочниклар Давлат рессурсларидан ўтган № 278-кашфиётни эълон қилдилар. Иш бошлиғи А.Х.Саркисовга БМТнинг номи ёзилган олтин медали бериди. Вакцина қўлланилгач, эпизоотик ҳолат кескин ижобий томонга бурилди.

Кейинчалик "С-П-І" (йилқилар учун "Триховис"-қўйлар трихофитиясига, "Камелвак"- туялар касаллигига қарши ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

1.Ўзбекистон, Россия, Озарбайжон ва Нахи-Чеванда бузоқлар темирлатқисини ўрганган олимларнинг маълумотлари тахмин қилинса, касалга чалинган бузоқлар касалланиш жараёни даврида 1,7-3,2 кг гача массасини йўқотади.

2. Касал бузоқларнинг жароҳат жойлари нотўғри даволанганлиги туфайли тери кейинчалик тўғри заводга тушгач, технологик жараёнда тешилиб қолади, терининг товар стандартлиги мутлақо бузилади.

3.2. Темирлатқи касаллигининг эпизоотологияси.

Касаллик йил давомида руйхатга олинади, лекинда қиш ойлари авжига чиқиб, ёзда камаяди. Касалликнинг келиб чиқишида озиқлантириш, зич ва нам ярим қоронғу жойларда сақланиши каби омиллар катта аҳамиятга эга. Клиник усулда эса, касалликнинг клиник белгилари инобатга олинади. Ҳал қилувчи усул бўлиб, микология текшириш натижалари ҳисобланади.

Патматериал касалга чалинган молнинг жароҳат тушган жойидан олинади. 8-10 дона зарарланган жун толасидан олиб, тагига қора қоғоз қўйилган ойнага устига жойлаштирилади. Кейин эса буюм

ойначасига жойлаштирилиб, 10-15 фоиз ишқор эритмасидан томизилади ва енгил қиздирилади. Микроскоп тагида текшириб артроспораларнинг жойлашишига эътибор берилади.

Юқорида қайд этилган муҳитларга экилиб ўстирилади ва ўсиш жараёнининг қай хиллиги инобатга олинади.

Эпизоотологияси. Даволаш учун “Триховис” аттеунировон тирик вакцинаси яратилди. Вакцина тасдиқланди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Касалга қарши кураш ва уни йўқотиш чоратадбирлари ишлаб чиқилди.

Этиологияси (қўзғатувчиси). Касаллик қўзғатувчиси замбуруғ бўлиб *Tr. Verrucosum var. Autotrophycum* дир, ташқи муҳитда кенг тарқалган ва узок муддат яшайди. Айниқса қўйхоналар шароитида 2-3 йиллаб бемалол яшай олади. Қўзғатувчисининг ҳамма хусусиятлари, диагноз бўлимида батафсил ёритилади.

Эпизоотологияси. Темиратки қўйлар орасида йил давомида рўйхатга олиб турилади, лекин касаллик қиш ойларида кўпроқ учраб ёз ойларида анча камаяди. Қўзиларнинг касалланиши она қўйлардан ажратилган даврда бошланиб (отбивка). Кўп миқдорда касалланиш декабр ва март ойларида тўғри келади. Касалликни тарқалишига яйлов ҳолатини ҳам аҳамияти бор.

Агарда яйловда қурғоқчилик бўлиб, ўт-ўланлар кам бўлса касаллик авжига чиқа бошлайди. Хўжаликларнинг даволаш булимларида фермалардан нимжон қўй қўзилар тўпланиши туфайли касалланиш анча ошиб кетади. Темираткини ҳам олди олиниб даволаш ўтказилмаса у авжига чиқаверади. (15-20%) касал қўзғатувчисини манбаи бўлиб касал қўйлар ҳисобланади. Бўрдоқчилик хўжаликларида эпизоотик ҳолат биров фарқ қилади. Биринчидан бу жойга касалланиши кўпроқ бўлиб, аввал касалланган бўлса, ҳамма ёшдагилар ҳам касалланаверади. Умумий миқдор юқори бўлади.

Касал тарқатувчи омиллардан озуқа идишлари, асбоб анжомлар ва ҳоказолар ҳисобланади. Табиатда замбуруғ кенг тарқалган, касал

тарқалишига маълум даражада ёввойи ҳайвонлар ҳамда кемирувчилар катта роль ўйнайди.

Патогенези. Дермотофитозларда асосан тери эпидермиси зарарланади. Патологик жараён лейкоцитар инфильтрацияларнинг фолликулалари яллиғланиши билан бошланади. Қўзғатувчи тушгач устки қавати қизаради, капсула пайдо бўлиб, кейин пуфакчага айланади.

Замбуруғ терининг шохсимон қаватида ривожланиб, протеолетик ва кератолетик фермент ажратади. Бу эса ўз навбатида шохсимон қаватга таъсир қилиб, уни эритади. Замбуруғ мицелияси жун толаси ичига кириб боради. Натижада яллиғланиб экссудатив ҳолати номоён бўлади. Шохсимон ва эпидермиснинг устидаги тангачасимон шаклдаги ўзгаришлар пайдо бўлади. Тери устига пайдо бўлган шилимшиқ модда чанг ва ифлосликлар тушиши натижасида қаттиқ қоплам ҳосил бўлади. Аста секин жун толаси қуриб синиб қолади ва фолликулалар зарарланади. Чуқур микозларда, секреция безларини ҳам қамраб олади. Токсин таъсирида ва яллиғланиш натижасида иккиламчи моддалар пайдо бўлиб қичиштиради. Юзаки микозларда эса эпидермис ва жун фолликуллари зарарланади. Темираткининг ривожланишида терининг бир бутунлиги катта аҳамиятга эга.

3.3. Касаллик диагностикаси клиник белгилари.

Касалликнинг яширин даври 1-3 ҳафта давом этиб, юзаки, чуқур, фолликуляр ва диссинирован ҳолатларда кечади.

Юзаки кечиши. Кўпинча бош қисмининг жуни калта жойларида темиратки доғлари бўлиб 1х1,5 см, 1х1,5-2 см доира ёки айлана шаклларида бўлади. Доғлар кўп ҳолларда, тумшук, бурун ва қулоқлар баъзида тананинг бошқа жойларида учраши мумкин. Айрим ҳолларда юзаки кечиш чуқур ва бошқа шаклларда кечиши мумкин.

Чуқур (фолликуляр) ҳолати. Темиратки доғлари бош қисми ва тананинг бошқа жойларида ҳам учрайди. Чегараланган ёки қўшилиб ёйилиб кетган

темиратки доғлари кўкимтир-яшилсимон, абсессимон (кепаксимон) қоплама билан қопланган бўлади.

Жароҳат жойи чанг ва бошқа ифлосликларнинг тушиши туфайли ҳамда аста-секин йиринг чақирувчи микроорганизмлар тушиши туфайли йиринглаб кетади. Яқиндан қаралса, қўланса ҳид сезилади. Темиратки доғининг юзасидаги жунлари қирқилиб тушгандек бўлади. Айрим ҳолларда долғларнинг ўртаси қайнаб чиққанга ўхшаб кўринади ва кўзга ташланади. Сур рангли кўйларда баъзисида темиратки бирданига кўзга ташланмайди. Кўпинча жароҳат тананинг жуни ўсиқ жойларида бўлса қирқимдан кейин бирдан кўзга ташланади. Юз қисмида бошланаётган темиратки доғи аста-секин юзанинг кўп қисмида тарқалиши мумкин. Баъзида кулоқ супрасининг юзаси тўлиқ қопланиши кузатилади. Жуннинг ялтироқлиги пасайиб тез синадиган бўлади. Диссемирован шакли эса кўпинча баҳор охирлари ва куз бошланишидан олдин бошланади.

Жароҳат усти абсессимон қоплама билан қопланган бўлиб айланма ва думалоқ шаклларда бўлади. Жуни калта жойларида кепаксимон қозғоқ билан қопланади.

3.4. Темиратки касаллигининг лаборатория диагностикаси.

Трихофитияларнинг ўзига хос ўсиши 20-25 кундан кейин бошланади. Бошланғич ўсиши оқ ранг, ингичка ва чўзиқ колониялар, четлари ипсимон ва юзаси момиқ баҳмал кўринишида бўлади. Шу билан бир қаторда бўртган ва юмшоқ ёки яраси ёйилган баъзан эса диаметри 5-7 мм дан 10-25 мм гача келадиган чўзиқ, япасли оқ рангдаги момиқ баҳмал колониялар шаклида ўсади четлари текис ўсган бўлади.

Замбуруғлар микроструктураси. Мицелий тўғри, эгилган, септик, буралган тароққа ўхшаш бўлиб узунлиги 3 мкм дан 5,9 мкм гача етади. Кўпгина яккам-дуккам артроспоралари ёки артроспораларга 2 мкм ҳажмдаги айланаётган мицелий каби кўзга ташланади. Микроконидийлар 1,5-5 дан 2-

5x7 мкм гача ҳажмдаги думалок, ноксимон, калтаксимон тузилишлар кўринишида бўлади. Улар чўзилган четлари кесик ва битта тўсиқлик урчиқсимон, чўзиқ ёки нотўғри шаклда 3,6-15-25 мкм ҳажмда кўринади. Шунингдек, 7x8 дан 13x80 мкм гача катталиқдаги яккам-дуккам термимал ва интерколяр хламидоспоралар ҳам кўзга ташланади. Баъзан диаметри 10-12 мкм артроспоралари парчаланувчи йўғонлашган мицелийлар ҳам кўзга ташланади.

Қўйлар трихофитиясининг кўзгатувчи эпизоотик штаммлари турғун културал морфологик ҳолатга эга эмасдир. Юқорида тасвирланган морфологик ҳоллардан ташқари оч жигар ранг ёки жигаррангроқ япаски терисимон кўринишдаги шунингдек кулранг оқимтир майда тарамли ва момиқ баҳмал кўринишдаги колониялар тарзида кўзга ташланади.

Сариқ ва жигарранг терисимон колонияларнинг конидиал спораси бўлмай ва фақат диаметри 2,5 мкм бўлган артроспораларга бўлинувчи ингичка ёки йўғон мицелийлардан иборат бўлади. Майин колониялардан асосан якка микроколидиялар бўлган лекин кўпинча аспороген мицелийлардан ташкил топган бўлади. Оқ момиқли нусхалардан иборат яккам конидиал спора ташувчилар лаборатория шароитида организмларнинг сақлашни ва спора чақиришни қийинлаштиради.

Сарғиш ва жигарринг, терисимон колониялар ҳам қила олмаслиги билан тавсифланади. Колониялар спора қила олмаслиги билан тавсифланади, улар диаметри 2,5-6 мкм артроспораларга бўлинувчи ингичка ёки мицелийлардан иборат бўлади. Момиқли колониялар асосан яккам микроколидиялар бўлган лекин кўпинча аспорогенни мицелийлардан иборат бўлади. Оқ момиқ вариантларнинг заиф конидиал споралари штаммларни лаборатория шароитида сақлаб туришни ва споралар қилишни қийинлаштиради.

Шуни таъкидлаш керакки, 7 ой давомида кузатиш муддати. Суслон агарда сақланган замбуруғлар 2-3 ой бир марта қайта экилган сарғиш ва

жигарранг терисимон вариантлар ўстириш шароитида артроспораларнинг кўп ҳосил қилиш қобилиятини сақлаб қолади.

Замбуруғ штаммларининг морфологик таснифи ва уларнинг ривожланиш динамикаси.

Касал қўйлардан ажратиб олинган штаммлари ўзига хос алоҳида културал белгиларга эга бўлади. Ана шу белгилар асосида уларни учта асосий хилларга ажратиш мумкин. Улар шу сусло-агарда кўпидан морфологик колонияларни ҳосил қилади.

1. Паст бўйли мумсимон жигарранг яккам-дуккам микрокондиялари бўлган ингичка мицелийлар.

2. Оч кулранг, момиқли заиф ингичка терисимон колониялар ингичка ва йўғон мицелийлар фақат хламидоспоралар билан споралар ҳосил қилади. Баъзан изолятларда мицелий йўғон ва ингичка бўлади йўғон мицелий шишлар билан аниқ кўринади.

3. Оқ момиқ колониялар. Оралиқ шишлар бўлган ингичка эгри бугри ва тўғри мицелийлар. Эркин артроспораларнинг ўлчами 6,6-8,6 мкм дан иборат. Хламидоспоралари терминал 4,5 мкм гача ва оралиғи 6,0 мкм. Кўпинча шакли, гўё ёнбошлари чуқурчадек, қўнғир қийшиқ бўлади. Бир вақтнинг ўзида экилганда ва кузатилганда замбуруғларнинг барча элементлари ёки фақат турли йўғонликдаги мицелийлар яккам-дуккам микроконидиялардан иборат. Буғи шохида ўхшаш терминал ўсимталари бўлган ингичка ва йўғон мицелийда штаммлар борлиги аниқланган.

Замбуруғларда барча элементлари бўлган штаммлар иккинчи қайта экилган кейин бир неча кун ўтгач, микроконидияларда ёнбош ўсимталар пайдо бўлади. Наниз мицелийларнинг парчалари ва артроспораларга бўлинаётган мицелийлар ёнбош ўсимталар ҳосил қила бошлайдилар. Хламидоспоралар бир неча кундан сўнг ҳам осойишта ҳолатда бўладилар. Замбуруғ ҳужайралари суспензиялари экиндан кейин 4 кеча кундуз ўтган мицелийни икки хил ривожлана бошлайди. МПГА.га экилганда 5 кеча

кундуздан кейин мицелийнинг икки хили ривожланади. Қўшимчали ва картошка агаридан ингичка ёнбош ўсимталари билан 3-5 мкм кенг тўғри йўғон мицелийлар кузатилади. Сабуро ағарида ингичка эгри-бугри мицелий ривожланади. Ўсиб чиқаётган хламидоспоралар ва артроспоралар кузатилади. Кўпчилик бошланғич ўсимталар учунчи кеча кундузда артспораларга бўлинаётган мицелийларига кўзга ташланади.

ГПА.га бешинчи кеча кундузда ёнбош ўсимталари бўлган йўғон мицелийлар ҳосил бўлади. Артспора экилганда иккиламчи штаммнинг споралари бўлиниши 10мкм гача яккам-дуккам чўзинчоқ микроконидиялар пайдо бўлиши билан тавсифланади. 14 кеча кундузда икки хилдаги мицелийлар кузатилган ингичка ва йўғон барча турдаги спора ташувчи ёки ингичка мицелий ва яккам-дуккам микроконидияларнинг кўплаб ҳосил бўлиши кузатилади. Баъзи изолятларда хламидоспоралар Артроспораларга бўлинувчи ингичка эгри-бугри ва йўғон мицелийлар мавжуд. 45-кеча кундузда йўғон ва ингичка тўғри ва эгри-бугри тўсиқли ва шишли мицелийлар, хламидоспоралар, артроспоралар аниқланган.

Лаборатория ҳайвонларида касалликни чиқариш усули.

Ўз-ўзидан касалланган ҳайвонлардан ажратиб олинган дерматофитларнинг, тирик штаммларнинг касал кўзгатиш хусусиятини ўрганиш ва аниқлаш учун уларни лаборатория шароитида ҳайвонларга юқтириб ўрганилади. Ҳозирги пайтда тери устига ва кўк томирга (вена) дермотифитларни юбориш услублари қўлланилади. Аммо касал юқтиришнинг тери усти юқтириш услуби энг маъқул ва ишончли услуб ҳисобланади. Касал юқтириш учун ажратиб олинган замбуруғларнинг штаммларидан фойдаланилади. Ўсиш бошлангандан кейин 21-25 кун ўтгач ўсишнинг софлиги микроскоп орқали тасдиқланган 30-50 мл стерил физиологик эритма қуйиб замбуруғ элементларининг суспензияси тайёрланади.

Танлаб олинган изолятнинг касал қўзғатувчиси ва юқтириш хусусиятлари денгиз чўққалари ва қуёнларда олиниб ўрганилади. Аввало ҳайвонларнинг териси текширилиб чиқилади. Унда ҳеч қандай ўзгариш сезилмагач 3-5 см тери юзаси қум қоғоз билан то чакка бўлгунича қиртишланади. Шундан кейин олдин тайёрланиб қўйилган спораси энг кўп 10 млн/мл бўлган замбуруғ суспензияси қиртишланган жойда суртилади. Ҳамда патологик жараён ҳар куни кузатиб борилади ва 10-12 кундан кейин ҳайвонни ўша жойидан қирилган наъмуна микроскопда текширилади.

Касаллик юққандан кейин 2-5 кун ўтгач тери бир оз шишади ва қизаради. 10-12 кунда майда кулранг қизғиш пуфчалар патологик жараён ривожланган сари эса оқиш кулранг тангачалар пайдо бўлади айрим ҳайвонларга тоштахта (асбестга) ўхшаган, қаттиқ баъзан қонталаш пўстлар пайдо бўлади ва уларни терисидан кўчириб олиш жуда қийин бўлади. Яна шу нарса аниқланадики уларнинг патологик хусусиятлари бир хил эмас темиртки кўриниши ҳар хил.

Касаллик тури.	Этиологияси.	Клиник кўриниши.	Охирги диагноз.
Дерматит.	Кимёвий ва бошқа омиллар	Тери яллиғланади, лекин тошма бўлмайди. Сабаби жароҳат клиник токсик медикаментоз ва токсик моддалар таъсири эластиклик бузилмайди. Терилар ёрилади яра бўлади. Некротик учоқ бўлиб зардоб йиринг аралаш эксудат кузатилади	Клиник номоён бўлиши инобатга олинди
Трихофития.	Замбуруғ.	Ҳайвонлар организмини тери қисмини юзаки ёки чуқур ҳолатда темиртки доғлари пайдо бўлади. Айланма думалоқ шаклларда бўлиб кепаксимон қоплама билан қопланади. Жун толаси синиб тушади.	Замбуруғ кузатилади.

Қўтир.	Каналар.	Терида майда тугунча ва куртакча ва пустиулалар пайдо бўлади. Ўткир кечганда кучли қичитма кузатилади. Кушхоналрда пайдо бўлиб жун тушиб кетади. Кучли қичиб қаттиқ хориш тутади.	Каналар излаб топилади
Экзема.	Тери копламининг юқумсиз яллиғланиши	Терининг сўргич экториал ва ретикуляр кавшлари яллиғланади. Босқич билан кечади, қизаради шишади. Тугунча ва пуфакчалар пайдо бўлади. Юзи ҳўл бўлиб оғрик сезади.	Клиник намоён бўлиши инобатга олинади.

Касалликнинг қўзғатувчилари асосан суслло-агар, гўшт- пентанин 2% глюкоза қўшилган МПГА ва сабуго агарларида яхши ўсиб, 3-4 ҳафтадан кейин оқимтир момиқсимон колониялар пайдо қилади. Замбуруғлар тури ва ҳайвоннинг турига қараб улар экилганда терисимон жигарранг, сарғиш, момиқ ҳолатида бўлиб ўтади. Ажратилганда эса микроконидий ва хламидоспораларнинг ҳолатига қараб фарқланади.

Патогенези. Касалликнинг кечиши асосан замбуруғ-қўзғатувчининг тери ва унинг мугуз қисмига таъсири етади. Патологик жараён лейкоцитар инфильтрацияларнинг фолликулалари яллиғланиши билан бошланади. Замбуруғ тушган жойда терининг устки қавати қизаради, қобиқ ҳосил бўлиб, кейин пуфакчага айланади. Замбуруғ терининг мугуз қаватида ривожланиб, протеолетик ва кератолетик фермент ажратади. Бу эса ўз навбатида мугуз қаватга таъсир қилиб, уни эритади. Натижада замбуруғ мицелияси жун толасини фолликуласига кириб боради. Замбуруғ кирган жой яллиғланиб, экссудат ажралади. Мугуз ва эпидермис қаватини табиий ҳолати бузилиши натижасида тангачалар пайдо бўлади. Шилимшиқ моддалар тери устига чанг ва бошқа ифлос нарсалар тушиши натижасида қотиб, қаттиқ қоплам ҳосил бўлади. Жун толаси қуриб, сина бошлайди. (1- расм).

Токсин таъсирида ва яллиғланиш натижасида вужудга келган иккиламчи моддалар терини қичитади. Юзаки микозларда патологик жараён терининг эпидермис қаватида бўлиб, жун ва унинг фолликуллари зарарланади. Чуқур микозларда эса зарарланиш терининг ҳамма қаватларига ўтиб, секреция безларини ҳам қамраб олади. Йиринг пайдо қилувчи микроблар тушиши. оқибатида йирингланган жой ҳосил бўлади. Темираткининг патогенезида терининг бир бутунлиги катта аҳамиятга мойил. Жараҳотланиш туфайли терида бўшаш ва ивиш жараёни рўй беради. Натижада тери тўқималарининг резидентлиги пасайиб, замбуруғнинг организмга тушиб жойлашиши тезлашади. Бундан ташқари, жароҳат қон ва тўқима орасидаги тўсиқни бузади. Замбуруғ элементлари жароҳат ўчоғидан қон ва лимфага ўтиб бутун организмга тарқалади. Бу эса ўз навбатида лейкоцитоз ва моноцитозни келтириб чиқаради.2- расм).



1-расм.Одамларда терининг муғуз ва эпидермис қаватининг зарарланиши.



2-расм.Қорамолларда терининг муғуз ва эпидермис қаватининг зарарланиши.

Касалликнинг клиник белгилари. Асосан бузоқлар тўғрисида баён этилади. Касалликнинг яширин даври 1-4 ҳафта давом этиб, унинг намоён бўлиши ҳайвонлар организмга замбуруғнинг вирулентлиги тушган жойлигига ва йил мавсумига боғлиқ. Касаллик юзаки, чуқур, фолликуляр ва атипик ҳолатларда рўёбга чиқади. Қорамолларда терининг устки қисмида айланма, доирасимон шаклларда темиратки доғлари пайдо бўлади. Бу доғлар

тананинг бош қисмида, кулок, бўйин, елка, қорин, оёқларда учраши мумкин. Унинг шакли ва катта-кичиклиги ҳар хил бўлади. Дастлаб терида қаттиқроқ, кичик бўртмачалар вужудга келади, кейинчалик улар бир оз шишинқираган доғлар шаклини олади. Унинг усти тангачалар билан қопланиб, кепаксимон юза ҳосил қилади. У сарғиш, яшил кўкимтир рангга киради. Жун толалари синиб тушади. Чуқур микозларда жароҳатланган жой кучли яллиғланиб, экссудат ҳосил бўлади. Жароҳатланган жой босиб кўрилганда ёриқлардан йилтираб йиринг чиқа бошлайди. Бу ҳолат кўпгина иқтисодий аҳволи паст, санитария талабларига жавоб бермайдиган фермаларда кузатилади.

Йилқиларда асосан касаллик тананинг тери қисмида думалоқ доғлар пайдо бўлиши билан кечади. Жароҳат тананинг ҳар қандай қисмида учраб, усти кўкимтир тангачалар билан қопланиб, юзаси кепаксимон бўлади. Чуқур микозларда қаттиқ пўстлоқсимон юза ҳосил бўлади. Микроспория ва чуқур микозларда жароҳатланиш жойи биров шишиб бўшашади ва йиринглайди..

Туяларда темиратки доғлари кўпинча тананинг бош қисмида бўлиб, юпка тангачалар билаи қопланиб, доирасимон ёки айланма шаклда учрайди. Жароҳат аста-секин тананинг бошқа қисмларига ҳам тарақалади. Зарарланган жойларда жун ўзининг майинлик ва ялтироқлик ҳолатини йўқотади, синувчан бўлиб қолади. Бўталокларда жароҳатланган жой қичишади, асоратли кечганда эса бўталок ўлиб қолиши ҳам мумкин. Темиратки шимол буғуларида ҳам учраб асосан бош қисми зарарланади (Э. Берадаев, Л. Иванова, 1971). Жароҳатланган жой жуни хурпайиб, сина бошлайди ва тўкилиб кетади. Ишчи буғуларда кўпинча орқа оёқлар жароҳатланиб, темираткига ўта мойил бўлади. Буларда ҳам юзаки ва чуқур лейкозлар учрайди. Зебусимон молларда касаллик юзаки ва чуқур микоз ҳолатида кечади, темиратки доғлари тананинг бош қисмидан бошланиб, кейинчалик ҳамма жойга тарқалади.

Нутрияларда гиперемия бўлиб, тери қалинлашади ва қазғоқ ажралиб туради. Кейин экссудат ажралиб, қалинлашган пўстлар пайдо бўлади.

Қуёнларда кўпинча бош қисми ва тумшуклари зарарланиб, 10—15 кун ўтгач, бошқа жойларга тарқалади. Кейичалик генерализация ҳолатига айланади. Айрим ҳолларда кичик темиртки доғлари ўзаро қўшилиб, катталашиб кетади ва тананинг каттагина қисмини эгаллаб олади.

Ташхиси. Касалликка ташхис комплекс текшириш усули билан қўйилади. Бунда эпизоотологик маълумот, касалликнинг клиник белгилари ва микологик текшириш усуллариининг натижалари инобатга олинади.

Эпизоотологияси. Касаллик йил давомида қайд қилинади, лекин қиш ойларида авжига чиқиб, ёзда камаёди. Касалликнинг келиб чиқишида ҳайвонларни озиклантириш, зич ва нам, ярим қоронғи жойларда сақлаш каби омиллар катта аҳамиятга эга. Клиник усулда эса касалликнинг клиник белгилари ҳисобга олинади. Микологик текшириш натижалари ҳал қилувчи усул ҳисобланади.

Патологик материал ва уни саралаш. Патматериал касалга чалинган ҳайвоннинг жароҳат тушган жойидан олинади. 8-10 дона зарарланган жун толасидан олиб, тагига қора қоғоз қўйилган ойнага устига жойлаштирилади. Кейин эса буюм ойначасига жойлаштирилиб, 10-15 фоиз ишқор эритмасидан томизилади ва енгил қиздирилади. Микроскоп тагида текшириб агроспораларнинг жойлашишига эътибор берилади.

Юқорида қайд этилган муҳитларга экилиб ўстирилади ва ўсиш жараёнининг қай хиллиги инобатга олинади.

Иммунитет. Темиртки билан касалланган молларда иммунитет пайдо бўлиши бундан 20 йил бурун исботланди. Аввал ТФ-130, кейинчалик ЛТФ-130 вакцинасининг амалда қўлланилиши бу борадаги фикр ва мулоҳазаларни қатъий тасдиқлади. Бу соҳадаги катта кашфиётни академик А. Х. Саркисов ВиЭВ да асослади ва бошқарди. Юқорида қайд қилинган вакцинадан кейин ўша ташкилотнинг ўзида олдинма-кейин “Ментавак” — мўйналар учун, «триховис — қўйлар учун, “Камелвак” — туялар учун, С-П-1 — йилқилар учун ишлаб чиқилди ва жорий қилинди.

Вакцина. Қорамоллар темираткисининг олдини олиш ва даволаш учун ЛТФ-130 вакцинаси қўлланилади. Вакцина қуруқ ҳолатда чиқарилиб, 10, 20, 40 дозалик бўлади. Унга эритиш учун махсус суюқлик бирга қўшиб берилади. Бундай эритма берилмаган бўлса, стерил ҳолатдаги физиологик эритма ишлатилади, профилактик дозаси 1—4 ойлик моллар учун 5 мл, 4—8 ойликлар учун 6 мл, 8 ойликдан юқорилар учун 10 мл. Вакцина 10—14 кун оралиғида икки марта юборилади. Иммуниетет 1 йилга чўзилади, кейин касалликка чалинмайди.(3-расм).





Касалликни даволаш. Даволаш учун ЛТФ-130 вакцинаси худди юқоридаги схемада, лекин дозасини 2 хисса ошириб юборилади. Мол оғир касалланган бўлиб, тез тузалавермаса, даволовчи дозада учинчи марта вакцина юбориш мумкин.

А) Ишқор формалин аралашмаси (7,0 ишқор, 7мл формалин, 7мл сув, 79,0 вазелин). Бу аралашма ҳар 5-6 кунда бир марта суртилади: ҳавонинг иссиқ пайтларида кутилган натижага эришилади. Қўйлар учун эса таркиб 50% га камайтирилади. Ишлатишдан олдин яхшилаб аралаштирилади.

Б) 1-1,5% йўлғуннинг пахта мойидан ёки балиқ мойидаги аралашмаси аввалги йўлғун яхшилаб келичада эзилади. Йилнинг ҳамма фаслида натижа талаб даражасида.

В) "ЯМ" мойи ҳар 5-6 кунда жароҳат жойига суртилади.

Г) Маҳаллий ресурслардан фойдаланиб прополисининг 10-15% аралашмаси ҳамда ёнғоқ пўстлоғининг 10% ли аралашмасини қўллаб ҳам яхши ижобий натижага эришиляпти.

Темираткини даволашда жароҳат жойини ҳар хил ўткир асбоблар билан қириб ташлаш мумкин эмас. Чунки бунда жароҳат кучаяди ва атроф муҳит яъни экологияни мувозанати бузилади. Қайнаб турган мой билан куйдириш таъқиқланади. Чунки жароҳат жойи теварагидан замбуруғлар

қотиб қийин битадиган яра пайдо бўла бошлайди. Заводга тушгач, тери стандартлиги даражалари бузилади ва носоғлом ҳолатга келади.

IV. БУЗОҚЛАРДА ТЕМИРАТКИ КАСАЛЛИГИНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ САМАРДОРЛИГИ.

Одамлар темирлатки-ташқи кўриниши, кечиши ва келтириб чиқарувчи сабаблари турлича бўлган кўпинча тери касаллигини ифодаловчи термин. Қичишиб, усти қипиқланиб турадиган ҳар хил тошмалар қадимдан темирлатки деб аталган. Қизил ясси темирлатки, пушти темирлатки, юздаги оддий темирлатки, тукли темирлатки ва бошқалар фарқ қилинади.

Қизил ясси темирлатки терининг хлоник касаллигини бунда билакнинг ички болдирнинг олд юзасига бел ички органлар терисига қизил оч пушти ёки бинафша ранг ўртаси ботик ялтироқ кўп бурчак шаклида майда тугунлар тошади. Улар қаттиқ қичишади, катталашиб атрофга тарқалади. Баъзан бири бири билан қўшилиб қипиқчалар ҳосил қилади. Қизил ясси темирлатки баданнинг ҳамма жойида (юздан ташқари), оғиз шиллиқ қаватида лабнинг қизил ҳошиясида ҳам учрайди. Келиб чиқиш сабаби тўлиқ аниқланмаган. Клиник кўринишига қарб қизил ясси бузоқлар темирлаткисининг ҳалқа шаклидаги пуфакчали ва ўткир учли типлари фарқ қилинади. Касаллик юқмайди узоқ вақт давом этиши мумкин. Бузоқларда қизил ясси темирлатки кўпроқ катта ёшдагиларга учрайди.

Пушти темирлатки –терининг инфекцион касаллиги: турли ёшдаги кишиларда кузатилади, кўзғатувчиси номаълум. Дастлаб терида оч пушти рангли майда доғлар пайдо бўлади. Улар юмолоқ ва овалшаклида пайдо бўлиши мумкин. Орадан 4-20 кун ўтгач доғлар баданнинг.... қисмини эгаллайди. Ўртаси қозғоқланиб туради. Беморнинг умумий аҳволи ўзгармаслиги ҳам мумкин, баъзан унинг ҳарорати кўтарилиб бадани қизишади дармонсизланади. Кейин доғлар кўнғир тус олиб орадан 4-8 ҳафта ўтгач ўз-ўзидан йўқолиб кетади ўрни қолмайди.

Баъзан аллергия мойил кишиларнинг касаллик вақтида териси нотўғри парвариш қилинса ўткир яллиғланиш кузатилади. (доғлар қип қизил бўлиб намиқиб туради).

Бузоқларда юздаги оддий темираткини стрептококклар қўзғатади. Бузоқлар юзига оғиз атрофига ҳар хил катталиқдаги оч пушти ранг тошмалар тошади. Кўпроқ бузоқчаларда учрайди.

Бузоқларда тукли темиратки асосан оёқларининг ёзишадиган жойлари кўпинча орқа соғасида учрайди. Шу жойларни ўзида кўп бўлган. Усти қипиқли ушлаб кўрилганда қўлга катта қаттиқ ўйнайдиган майда кўк ранг тугунчалар пайдо бўлади. Кўпроқ ёш бузоқларда кузатилади. Касалланган тери қуруқ ғадир будир бўлади. Соч фолликулаларида мугузлиниш жараёнини бузилиши оқибатида вужудага келади. Касалликка хос аломатлар бузоқ бир ёшдаёқ юзага келади. Касаллик аксари қишда қизийди.

V. ТЕМИРАТКИ КАСАЛЛИГИДА ЭПИЗООТИЯГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР РЕЖАСИНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ.

Ветеринария профилакти ва эпизоотологияга қарши тадбирлар режаси барча хўжалик, туман, шаҳар, вилоятларда ҳар йили домимий равишда тузилиб ушбу режа 3 қисмдан иборат.

1. Диагностик текширувлар.
2. Профилактик иммунизация эмлашлар.
3. Даволаш ва профилактик ишлов бериш.

Хўжаликдан чиқарадиган ва хўжаликка келтирадиган моллар олдиғи текшириш ва унинг натижасида қатъий назар янғидан текширилади. Йирик шохли молларда темираткига қарши эмланади, 2 ойликдан ёшидан бошлаб бир маротаба тери ичкарисига юбориш усули билан таўкиллаштирилади, сигир ва насли буқалар эса икки маротаба баҳорда ва кузда текширилади. Янғидан келиб тушадиган моллар олдини олувчи карантинда турган давомида текширилади. Хўжаликдаги барча катта ёшдаги паррандалар инкубация учун ёки етказилиб бериладиган гўшт маҳсулотлари темираткига текширилиши керак.

Барча катта ёшдаги йирик шохли, ҳайвонлар она чўчқалар совлиқлар соғлом хўжаликдаги ҳамма насли эркак ҳайвонлар серологик ва аллергик усуллар билан темираткига текширилади. Она гуруҳидаги паррандалар қон томчи реакциясини қуйиш йўли билан пуллорозга текширилади.

Ҳамма келиб тушадиган бузоқлар қочиришдаги бўладиган ёш таналар энг камида 3 маротаба 10 кун аралашиб наслдор буқалар ҳар чоракда трихомонозга текширилади. Сунъий қочириш станцияларидаги уруғчилик корхоналаридаги наслдор буқалар 6 ойга вибриоз текшириб турилади.

Темираткига шубҳа қилинадиган бўлса, гематологик усулида текширилиб касалликнинг борлиги аниқланади. Йирик шохли бузоқларни темираткига соғлом бўлмаган хўжаликларда текшириб кўрилади. Ўтган муддатидан қатъийназар илгари соғлом бўлмаган пунктларнинг ҳаммасидан

бузоқларнинг отлар, чўчқалар, ва қўйларнинг ҳамма бош сони темирatkига эмланади.

Ҳамма соғлом бўлмаган хўжаликдаги 3-ойликдаги бузоқлар яйловга ҳайдашга 2 ҳафта қочганда темирatkига қарши эмланади. Охирги икки йил мобайнида касаллик тузатилган хўжаликдаги бўғоз сигир ва она чўчқалар туғишига 1,5-2 ой қолганда 3 марротаба эмлашлар оралиғи 10 кундан: бузоқлардан туғилганидан кейин 2 кун ўтгач чўчқа болалари ва 15 кунлари бузоқ ва чўчқа болаларининг қоратиф ва темирatkига эмланади. Стационар соғлом бўлмаган хўжаликларда хавф туғдирувчи ва наслчилик хўжаликларида йирик шохли моллар яъни ҳайвонлар ва чўчқаларнинг лептоспирозга хотиржам бўлмаган ва хавф туғдирувчи хўжаликларда йирик шохли ҳайвонлар ва чўчқаларнинг пастерилизациясига хотиржам бўлмаган ва хавф туғдирувчи хўжаликдаги чўчқаларнинг темирatkиси: хотиржам бўлмаган ва хавф туғдирувчи хўжаликларда чўчқаларнинг темирatkи касаллигига олдини олувчи эмлашлар режалаштиришади.

Олдини олувчи эпизоотияга қарши тадбирларнинг режаси, ветеринария тадбирларининг режаларида кўрсатмадиган режалаштиришнинг тамоиллари ва талаблари тўғри келган ҳолда ишлаб чиқарилади. Режа тузиш учун маълумотлар тайёрланади. Бузоқларнинг бош сони шунингдек келтириладиган наслик ишда фойдаланиладиган ҳайвонлар ва ҳамма турдаги ёшларининг тахминий сони хўжаликнинг қўшни яшайдиган пунктининг ва туманининг эпизоотик ҳолати (хўжаликда ҳайвонларнинг юқумли ва инвазион касаллиги борлиги қайси касаллиги диогностик текшириш олдини олувчи эмлашлар даволовчи, олдини олувчи ишловларни аниқлаш кўзда тутилади), режани баждариш учун бор бўлган ва зарур керак бўладиган биологик химмитерапевтик дори-дармонларнинг тегишли миқдорда ҳисобга олинади.

Ветеринария тадбирларини ташкиллаштириш.

Чорвачилик ва паррандичиликда амалга оширили зарур бўлган барча ветеринария тадбирларини режали равишда бир пайтнинг ўзида ташкиллаштириш ҳамда моддий-маънавий таъминлашни муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун барча ветеринария хизмати мутахассислари (давлат, идоравий, хусуси) ўз иш ўринларида доимий тарзда ветеринария тадбирларинг режасини тузиш ҳамда оқилона ташкил этиб, ижросини таъминлашлари талаб этилади. Бу эса турли юқумли касалликларни олдини олиш ва даволаш ҳамда тугатишда муҳим аҳамиятга эга.

Ветеринария тадбирлари 4-гурӯҳга бўлинади.

1. Ташкилий хўжалиларга тадбирлари.
2. Профилактик тадбирлари.
3. Ветеринария санитария тадбирлари.
4. Даволаш тадбирлари.

Ветеринария тадбирларининг иқтисодий таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари.

Иқтисодий ислоҳатлар даврида ҳозирги замон ветеринариясининг асосий вазифаси чорвачиликка хизмат кўрсатишнинг илғор усуллари ва воситаларини қўллаб ва чорвачилик бармоғининг рентабиллигини ошириб боришдан иборат. Бу вазифани мувофақиятли ҳал этишда ҳар бир ветеринария мутахассиси ветеринария муассасалари ва ташкилотлари бажарган ишларининг ҳар томонлама иқтисодий базми қилиб борилиши керак.

Иқтисодий самарадорликни аниқлашда ҳайвонларнинг касалланиши ва улушини камайтиришга уларнинг махсулдорлигини оширишда касаллик муддатларини қисқартиришга етиштириладиган чорва маҳсулотлари ва хом ашёнинг сифатлилигини таъминлашга соғлом подалар етиштиришга ва ҳокозолар имкониятларини ўрганилади.

Ветеринария тадбирларини натижаларни анамнез қилиш билан ветеринария иши иқтисожи фани шуғулланади. Бу фан ветеринария

тадбирларини чорвачиликни ривожлантиришга таъсир қилиш..... кам меҳнат маблағ ва воситаларни харажат қилиб маҳсулот етиштириш йўллариини ўргатади. Бу фаннинг асосий мақсади чорвачиликда ўтказилдиган ветеринария тадбирларини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ветеринария тадбирларини ўтказишда резервлардан фойдаланиш ветеринария фани ютуқларини қўллаш ва кам восита талаб қиладиган усулларни қўллаш веиеринарияда даволаш практика соғломлаштириш ветеринария санитария воситаларини ўтказишда янги илғор усулларни тадбиқ қилиш ташкиллаштириш ишларини ташкиллаштиришдан иборат.

VI. ВЕТЕРИНАРИЯ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ИҚТИСОДИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ.

Бугунги кунда дунёнинг барча давлатларида аҳолини озиқ овқат, туйимли ва сифатли чорвачилик маҳсулотларига билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунга бевосита чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларини кўпайтириш ҳамда маҳсулдорлигини ошириш орқали эришиш мумкин. Бу борадаги ишларни амалга оширишда Зоотехния ва ветеринария ишларига кенг эътибор берилмоқда.

Ҳайвонлар асосан ёппасига ветеринария кўригидан ўтказилади. Бу вақтда қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини эмлаш ва дегельминтизация каби чора-тадбирлар режа асосида олиб борилмоқда.

Ҳайвонларнинг касалликларига қарши текшириш учун олинган, қонлар ўлган ҳайвонларнинг ички организмлари ветеринария лабораториясига жўнатилади. Бу вақтда хўжаликда ветеринария мутахассислари барча қоидаларга риоя қилинади. Хўжаликга қарашли аҳоли яшайдиган ҳудудларда ветеринария санитария ҳолати мунтазам равишда ўрганилиб борилади.

Ветеринария хизматини маблағ билан таъминлаш хўжаликда ўтказиладиган барча тадбирларни ўтказиш учун сарфланадиган доридармонлар, асбоблар, эмлаш учун вакциналар “Зооветтаъминот” таъминлаши ва коммерция ветдорихоналар томонидан таъминланади. Бу таъминотларга хўжалик томонидан маблағ ўтказилади.

Эмалаш учун вакциналар ва турли зардоблар давлат томонидан бепул берилади. Режалаштирилган маблағ билан таъминлаш хўжалик ҳисобидан амалга оширилади.

Буларга молхонани механик тозалаш ҳашоротлар, каналар ва кемирувчиларга қарши курашиш ва қуруқ вакциналардан ўтказиладиган ветеринария тадбирлари барча турдаги ҳайвонларни даволаш учун ветеринария даволаш муассасаси изланувчиларини тўла таъминлаш ишлари

киради. Юқумли касалликларни асосий қўзғатувчилари ёввойи ҳайвонлар ва каналардир. Шунинг учун хўжаликда уларга қарши курш ишларига алоҳида эътибор берилади.

Юқорида кўрсатилган барча-чора тадбирларни ўтқозиш юқумли, юқумсиз ва паразитар касалликлардан сақланишининг гаровидир.

Бу касалликларни олдиндан қайси қўзғатувчи қўзғатишини билиш қийин бу эса юқоридаги тадбирларнинг қанчалик қийинчилик билан амалга ошириш кераклигини билдиради.

Бу касалликларга бруцеллёз, туберкуллёз, оқсил, қорасон, куйдирги, манқа, чўчқалар ўлати касалликлари ёки юқорида такидлаб утқанимиздек, хар хил эктопаразит хашоратлар каналар, суналар, қон сўрувчилар, кемирувчилар ҳамда хар хил захарланишлар чақирадиган илон, чаёнлар, қорақурт, ариларни Касаллик чақирувчи хашоротлар махсус кимёвий моддалар каналар ва суналар учун акарацидлар (Неацидол, энитоминтриклар, цитрин ва бошқалар) самалётлардан сепиш ёки сачратиш, чанглатиш йўли билан ишлов бериб ўлдирилади.

Туман ветеринария хизматининг ташкилий тузилиши.

Қишлоқ шароитидаги туманлар ветеринария хизмати ташкил қилинадиган ҳудудларнинг таркибий қисми бўлиб у жойларда асосий чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқилади.

Ветеринарияда бажариладиган профилактика, даволаш, вет.санитар ва эпизоотологияга қарши кураш тадбирларининг ўндан тўққиз қисми туманларда амалга оширилади.

Туманлардаги ветеринария хизмати туман ветеринария бўлими, ветеринария станцияси, лабораторияси, хўжаликлардаги мутахассислари томонидан амалга оширилади. Туман ветеринария бўлими бошлиғи (бош вет.врачи) уларга рахбарлик қилади.

Туман давлат ветеринария тармоғи ва рахбарлик .

Туман давлат ветеринария тармоғи туман ветеринария бўлими, ветеринария станцияси ҳайвонлар касалликлари билан курашиш станцияси, участка ветеринария шифохоналари ҳамда ветеринария участкаларидан ташкил топади. Шунингдек, туман маркази, шаҳар ва қўрғончалардаги, бозорлардаги туман тасаруфидаги ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари ҳам мавжуд.

Давлат ветеринария муассасаси туман миқёсида ветеринария хизматини ташкил қилади ва амалга оширади.

Туман ветеринария булимларидаги мутахассисларнинг сони тумандаги мол бош сонига, жойлашиши ўрни ва ҳудудий боғлиқ ҳолда 11-19 тагача бўлиши мумкин.

Энг кўп белгиланадиган штатлар: 3-та ветеринария врачлари, 2-та фельдшер, 2-та санитар ва катта ҳисобчи.

Врачлар: эпизоотолог врач, врач-акушер, терапевт врачлари.

Дез. Отряд бошлиғи-ветеринария врачлари. Ветеринария бўлими бошлиғи бир пайтда туман бош ветеринар врачлари лавозимини ҳам эгаллайди. Булим мутахассислари қўйидаги тадбирларни режалаштиради, ташкиллаштиради ва касалликларни олдини олиш ҳамда йўқотишни амалга оширади. Шунингдек ҳайвонларни зоогигиеник кўрсаткичлар асосида сақлаш, озиқлантириш, даволаш, эмлаш, клиник ва лаборатор диностик теширувлар ўтказишда иштирок этади.

Булим ходимлари ҳайвонларнинг қисир қолишини олдини олишда ҳам ҳамкорлик қилишади.

Врач-эпизоотолог, врач-терапевт, врач-акушер, врач-паразитолог каби лавозимлардаги мутахассислар ҳам ўз соҳалари бўйича маъсулдирлар.

Туман ветеринария бўлими туманнинг барча ҳудуди бўйича назорат ўтказиб, унинг мансабдор шахслар чорвачилик объектларидаги ишлаб чиқариш жараёнларидан куннинг илиқ пайтида хабарлашишлари мумкин. Жумладан, бозорлар қошидаги ветеринария экспертизаси лабораториялари

ҳам туман ветеринария бўлимига бўйсинади ва унинг тасаруфида ҳисобланади.

Туман ветеринария бўлимининг жойлашиши ва жиҳозланиши.

Туман ветеринария бўлими туман марказида жойлашади ва ўз биносига эга бўлади. Туман ветеринария бўлими асбоб-ускуналари, аппаратура, жиҳозлар ва транспорт воситалари билан таъминланиши зарур. “Ветеринария амбулаторияси”, “ветеринария тез ёрдами”, “юк автомашинаси”, “дезинфекцион қурулма” (ДУК) ларга эга бўлади. Ветеринария бўлими ўзининг штампи ва юмалоқ муҳрга эга бўлишлари шарт.

Туманда ветеринария ишини бошқариш Ўзбекистон Республикаси “Ветеринария тўғрисидаги” қонуннинг туман давлат ветеринария бўлими раҳбарлик қилади. Туман ветеринария бўлими бошлиқлари мазкур туман ҳокими билан келишилган ҳолда вилоят Давлат ветеринария бошқармаси томонидан тайинланади. Туман Давлат ветеринария бўлими бошлиғи тумандаги барча ветеринария хизматини ташкиллаштиради ва бошқаради.

- Ветеринария тадбирларини режалаштиради ва ташкиллаштиради;
- Ветеринария хизмати ходимларининг фаолиятини ташкиллаштиради;
- Кадрларни танлайди ва тавсия этади;
- Ветеринария хизматини моддий таъминотини бошқаради;
- Чорвачиликнинг ветеринария санитария маданиятини оширади;
- Туманда хайвонларни сўйиш, хом ашё тайёрлаш пунктлари фаолиятини назорат қилади;
- Давлат ветеринария санитария назоратини ўтказди.

Ветеринария бўлими бошлиғи вет.станциясининг хизматларини ишга қабул қилади ва ишдан бушатади.

Участка ветеринария шифохонаси даволаш профилактика муассаси ҳисобланади ва у тегишли туманнинг бир қисмида хайвонларнинг (парранда, балик ва асарлариларни ҳам қўшиб) касалликларига қарши чора ва бошқа ветеринария тадбирларини ташкиллаштиради ҳамда амалга оширади. Унинг

фаолият ҳудуди туман ветеринария бўлимининг буйруғи билан аниқланади, қайсики унда шифохонага бериктирилган хўжалик ва аҳоли пунктлари санаб ўтилади.

Тасдиқланган намунавий жадвалга асосан участка ветеринария шифохонаси қўйидаги штатларга эга бўлади:

Иккита ветеринария врачлари, улардан бири касалхона мудирини, иккита ветеринария фельдшерини ва 1-2 та хизмат қилувчи ходимлар.

Касалхонада ветеринария врачлари ва фельдшернинг бўлиши, уларга ҳайвонларнинг касалликларига қарши кураш станцияларнинг ухшаш кўплаб ишларни амалга ошириш имкониятини (фақат кичик кўламда) беради.

Участка шифохонасини сақлаш ва унинг ветеринария тадбирларини ўтказиш учун кетадиган харажатларни, ветеринария бўлимининг бюджет маблағи ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳисобидан қопланади.

Участка ветеринария шифохонаси керакли техника воситалари билан таъминланади.

Унда махсус машиналар:

«Тез ветеринария ёрдами», «Ветеринария амбулаторияси».

Шунингдек, от-арава (улов) бўлиши керак.

Шифохона мутахассисларига жамоа, ширкат ва бошқа хўжаликларда уларнинг профилактик, эпизоотияга қарши ва ветеринария санитария чораларини ташкиллаштириш ва ўтказишни назорат қилиш, керак бўлган тақдирда бу масалалар бўйича уларга кўрсатмалар бериш ҳукуки берилган. Бундан ташқари, шифохона белгиланган тартибда ветеринария кузатув ҳужжатларини бериш, гушт сут ва бошқаларнинг ветеринария санитария экспертизасини ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга.

Ветеринария участкаси Давлат Ветеринария тармоғининг ветеринария даволаш муассасаси ҳисобланади. Туман ветеринария бўлимининг буйруғига асосан ҳайвонларга ветеринария хизматини кўрсатиш учун маълум ҳудуд бериктирилади (хўжаликлар ва аҳоли пунктлари).

Мавжуд низомда унинг хизмат доирасидаги чорванинг муваффақияти ва ветеринария тадбирларини ўз вақтида ўтказиш жавобгарлиги юклатилган.

Намунали жадвалдан штатга асосан ветеринария участкасининг штатида ветеринария врач (участка мудири) ветеринария фельдшери, ветеринария санитар, агар от ҳам бўлса отбоқар бўлади

Ветеринария участка ҳайвонларининг касалликларига қарши кураш станцияси қаромоғида бўлиб, маблағ билан таъминланади.

Ветеринария участкаси бурчак штамп ва ўзининг номи кўрсатилган думалок муҳрга эга.

Туман ветеринария лабораторияси ҳар бир туманда ёки туманлараро ташкил этилади. Бунда ҳайвонларнинг касалликларнинг (парандалар, балиқ ва асалари ҳам қўшиб) диагностик текшириш ўтказилади, гушт,сут ва озиқа маҳсулотлари жуда аниқ анализ экспертиза қилинади. Лабораториянинг қаромоғида гушт, сут ва бошқа маҳсулотларнинг ветеринария санитария экспертизаси лабораторияси ҳам бўлади.

Туман ветеринария лабораториясининг иши Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачилик қўмитаси тасдиқланган унинг ҳақидаги низом билан белгиланади. Лаборатория тумандаги диагностик теширишларнинг туғрилиги, келиб тушган материалларнинг ўз вақтида ва сифатли текширишига, ўз хулосасининг аниқ ва тўлиқлигича жавоб беради.

Лабораторияга ўзи хизмат қиладиган ҳудуддаги ветеринария муассасалари раҳбарлигига ҳайвонларнинг касалликлари диагностикаси масалалари бўйича хулоса ва услубий кўрсатма бериш ва ветеринария тадбирларини ўтказиш ҳуқуқи берилган.

Туман ветеринария лабораториясида махсус автомашиналар «Тез ветеринария ёрдами» ва «Ветеринария амбулаторияси», шунингдек, от бўлиши керак. Туман ветеринария лабароторияси вилоят ветеринария лабароториясининг раҳбарлиги фаолият кўрсатиб, улардаги бюджет маблағи ҳисобидан таъминланади.

Лабораториянинг директори ва ҳисобчисини туман ветеринария бўлими тавсиясига асосан вилоят ветеринария лабораторияси раҳбари томонидан ишга тайинлайди ва ишдан бўшатади. Лабораториянинг қолган ходимларини лабораториянинг директори ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади.

Ҳар бир ветеринария мутахассиси ўз вақтини тўғри тақсимлаши шифохона, участка, пунктдаги фаолиятини, хўжаликдаги тадбирлар билан бирга қўшиб олиб бориши лозим. Фельдшер ўзининг вазифаларини яхши бажариши учун, юқорида айтиб ўтганимиздек, ишлаб чиқаришни, чорвачиликни, юритишнинг барча томонлари билан қизиқиши, човадорларга молларни парвариш қилиш, боқиш ва сақлашга доир ветеринария санитария қоидаларини аниқ равишда ўргатиши, заиф жойларни топиши ва камчиликларга барҳам бериш чораларини кўриши керак. Ветеринария участкасида ва пунктида ойлик календарь иш режаси бўлиши лозим. Уни участка ва пункти мудир, туман хокими тасдиқлаган профилактик ва эпизоотияларга қарши кураш тадбирларининг йиллик режасини ҳисобга олган ҳолда тузиб чиқади. Ойлик режага киритилган ишларнинг турлари реал шароитида боғлиқ ҳолда жуда турли туман бўлиши мумкин. Режа тузилгач, ижрочиларга таништирилади ва барча ўз вазифасини бажаришга киришади.

Ҳайвонларни асраш, боқиш ишлари ҳозирги вақтда хўжаликда янги бозор иқтисодиётига мослаштириляпти ва зоотехния, ветеринария ишларига катта эътибор берилмоқда. Ҳайвонлар асосан ёппасига ветеринария кўригидан ўтказилади. Бу вақтда кўйларни эмлаш ва дегельментизация гижжасизлантириш каби тадбирлар ҳам режа асосида олиб борилади. Ҳайвонлардан олинган қонлар ёки мажбуран сўйилган ҳайвонларни ички органлари ветеринария лабораториясига жўнатилади.

Хўжаликларда ветеринария мутахассислари барча қоидаларга риоя қилишда хўжаликка қарашли аҳоли яшайдиган территорияда ветеринария

ҳолати систематик ўрганилиб борилади. Ветеринария хизматини маблағ билан таъминлаш хўжаликда ўтказиладиган барча тадбирларни ўтказиш учун сарфланадиган дори-дармонлар асбоблар эмлаш учун вакциналар “Зооветтаъминот” ташкилоти ва ветеринария дорихоналар томонидан таъминланади. Бу ташкилотларга хўжаликлар шартнома асосида пул ўтказади.

Эмлаш учун вакцинали ва турли зардоблар давлат томонидан бепул берилади. Режалаштирилган маблағ билан таъминлаш хўжалик томонидан амалга оширилади. Буларга молхоналарни механик тозалаш, хашарот ва кемирувчиларга қарши курашиш ва туғриқ вақтида ўтказиладиган ветеринария тадбирлари барча турдаги ҳайвонларни даволаш изоляторлари тўла таъминланган.

Хўжаликда ветеринария ишлари бир мунча яхши йўлга қўйилган. Унда ветеринария мутахассислари хизмат кўрсатмоқда. Диагностик текшириш дигельминтизация, дератизация ўтказиш режаси ойнанг бошида вет.врач тузади. Шу асосда иш олиб борилади. Режани тузган бош вет врач тасдиқлайди ва назорат қилиб боради. Сигирлар сунъий ва табиий қочирилади ва шу билан бирга улар трихаманоз виброз касалликларига текшириб туришади. Юқумли касалликларнинг асосий тарқатувчилари ёввойи ҳайвонлардир. Шунинг учун хўжаликда уларга қарши курашиш ишларига алоҳида эътибор берилади. Юқорида кўрсатилган барча чораларини ўз вақтида бажарилиши чорвадорларни ва бошқа аҳолини зооантропоноз касалликларидан сақланишнинг чораларидир. Ветеринария тадбирларини иқтисодий кўрсаткичларининг махсус системаси характерлайди. Олди олинган иқтисодий зарар моллар касаланиши, ўлими касаллик келтираётган иқтисодий зарар ветеринария тадбирларини ўтказиш чиқимларини ўртача кўрсаткичларини ўз ичига олган норматив базадан фойдаланган ҳолда аниқланади. Инвазион касалликларда гельментозларга қарши тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги норматив кўрсаткичлар

системасида фойдаланган ҳолда ҳайвонларни гельментсизлантириш усуллари самараси белгиланади. Касаллик ташувчи ҳашаротлар махсус кимёвий акарацидлар, цитрин, цепермитрин, сумми-алфа ва бошқалар билан сачратиш ва чанглатиш билан сепиб ишлов берилади. Кемирувчиларга қарши дератизация ўтказиб хўрак сифатида овқат, сувлар қўлланади.

VII. ФУҚАРОЛАР МУДОФАСИ ВА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Меҳнат муҳофазаси иш жойларида инсон саломатлиги ва иш қобилиятини таъминловчи барча шарт шароитларни яратиб беришдан иборат. Бу шароитлар меҳнат қонунлари кодекси томонидан кафолатланади.

Меҳнат муҳофазасининг вазифаларидан бири ишлаб чиқаришдаги меҳнат қилувчиларни, меҳнат ҳавфсизлигини таъминлашдан иборат. Хозирги кунда жамиятимизда фан техника ривожига замонавий ютуқлари натижасида қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган замонавий техникалар пайдо бўла бошлади. Бу техникаларни бошқаришда ҳавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим.

Ҳавфсиз ишлаш учун машина ва механизмларни тузилиши, ишлаш принципларини яхши ўрганган бўлиш керак. Қишлоқ хўжалигида жароҳатларнинг 35%га яқини транспортда иш бажарганда содир бўлади. Электр токи билан жароҳатланиш жами жароҳатларнинг 0,5-1%ини ташкил қилади. Хўжаликда ишлайдиган ҳар бир ходим бажарадиган вазифасидан қатъий назар меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиши шарт. Хўжалик раҳбари томонидан ишчиларга инструктаж берилади, Чунки хўжаликдаги ишчи ходимлар техника, электр токи ва ҳайвонлар билан ишлайдилар.

Хўжаликда ёнғинга қарши ҳавфсизлик чоралари бор минерал уғитлар, захарли кимёвий препаратлар, ветеринария препаратлари алоҳида жойларда қулфланиб сақланади.

Ўзбекистон Республикаси меҳнатни муҳофаза қилиш қонунининг 17 моддасига асосан соғлиқни сақлаш вазирлиги идоралари томонидан белгиланган тартибда мувофиқ меҳнат шартномаларини имзолашда вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиш ташкил этилади, бундан ташқари иш таркибида бир қанча ҳимоя воситалари, кийим-кечакларидан фойдаланилади.

Чорвачилик хўжаликларида ёнғинга қарши барча чорва бинолари ва оғилхоналар, озиқа сақлайдиган ғарамлар тарафида бассейнда сув ва пажарний шитда қум сақланади.

Чорвачилик комплекси баланд девор билан ўралган бўлиб, фермага киришда шилагбаумлар, дезобарьер тусиқлар ўрнатилган, молбоқар ва бошқа хизматчилар махсус кийим-кечаклар (халат, резина этик) ва иссиқ кийимлар билан тулиқ таъминланган. Хўжаликда барча ишлатиладиган электр жихозлари ҳимоя шитлари билан ўралган бўлиб, инсонлар ҳаёти учун ҳавфсиз. Ветеринария ходимлари ҳам ҳайвонлар билан ишлаганда, техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилиб, махсус фиксация қилиш асбобларидан фойдаланилган ҳолда ветеринария тадбирларини ўтказди.

Заҳарли препаратлар билан ҳайвонларга ва чорва биноларига кимёвий ишлов берганда ҳимоя кўзойнаги, респиратор, кўлга резина кулқоплар кийилади. Шу қаторда заҳарли препаратлар билан ишлагандан сўнг, шу қолган препаратларни чуқурга кумиб, зарарсизлантириб, тозалаб қўйилади.

Янги ишга кираётган кишилар билан инструктаж ўтказилади. Инструктаждан кейин тегишли ёзувлар махсус дафтарчаларда қайд этилади ва ходимларнинг шахсий жилдларига солинади. Бу йиғма папка сейфларда сақланади. Ҳар йили икки мартаба инструктаж ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маърузалар ўқилади ва албатта махсус журналларга қайд этилади.

Ишчининг соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида унга корхона томонидан халат, кўлқоп ва резина этик ҳамда респираторлар берилади. Иш жойида ҳайвонларни юқумли касалликларини одамларга юқмаслиги учун бу ерда ишловчи ходимлар молхонада овқатланмаслиги ва чой ичмаслиги лозим. Ишдан кейин эса ишчилар кўллари карибол кислотанинг 1 фоизли эритмаси билан ишлов бериб совун билан ювишлари шарт.

Сув тармоқларида ва турли сув ҳавзалари тегишли мутахассисларнинг доимий назорати остида бўлиши шарт айрим инвазион ва инфекцион касалликларда молюскалар касаллик қўзғатувчилари учун оралиқ хўжайин ёки касаллик қўзғатувчисининг ташувчиси бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли уларни ўрганиб кўпайиб кетмаслигига йўл қўймаслик учун сув ҳавзалари

маълум муддатларда мис купороси ёки оҳак билан ишлов берилмоғи лозим. Шундан кейин ҳам бундай сув ҳавзалари мутахасислар томонидан қаттиқ назорат остига олиниши лозим.

Ветеринария мутахасислари хўжаликнинг махсус сўйиш майдончаларини қатъий назорат остида олмоғи лозим. Сўйилаётган ҳайвонларнинг ички органлари ҳамда бош мияси кўндаланг тарғил мускулларини кўрикдан ўтказиш лозим. Чунки, ҳайвонларнинг ички пренхиматоз органларида бош мия ва кўндаланг тарғил мускулларида паразитлик қилаётган эхинококкоз ва ценуроздан ташқари цистецеркоз, финноз ва бошқа касалликларининг кўзғатувчиларини одамлар ва гўштхўр ҳайвонлар истеъмол қилганда касалликларни ёйилиб кетишига асосий манба ва сабабчи бўлиб хизмат қилишади ҳамда одамлар орасида хавфли, даволаш муолажалари оғир бўладиган ва ҳамма вақтда ҳам ижобий самара бермайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Чорва молларининг гельментоз касалликларига қарши курашиш чора-тадбирлари комплекс тарзда олиб бориш ветеринария- санитария ва даволаш профилактик ишлари касаллик тарқатувчи кўзғатувчиларнинг биологик ривожланиши ҳамда маҳаллий иқлим шароити инабатга олинган ҳолда бизгача маълум бўлган чора-тадбирлар такомиллаштирилган ҳолда бири-бирига уйғунлашган тартибда ўтказилиши лозим акс ҳолда касалликларни камайтиришни ўрнига кўпайтиришга эришамиз.

Ветеринария мутахасислари оғзаки ёки ёзма ҳолларда тарғибот ишларида унумли фойдаланган ҳолда чорвадорларга ва аҳоли ўртасида юқумли, юқумсиз паразитар касалликларга қаша кураш чора-тадбирларини ва бунда ишлатиладиган кимёвий захарли препаратлардан фойдаланиш қоидаларини кенг кўламда тушутиришлари лозим ва шарт.

Ҳар бир хўжаликда техника хавфсизлиги олий маълумотли инженер иш олиб бориши, хўжалик ишчи хизматчилари билан биргаликда меҳнат шароитларини яхшилаш борасида тушунтириш ишлари олиб бориш,

меҳнатни муҳофаза қилиш борасида ажратиладиган маблағ ва ишлатиладиган нарсалар устидан текширишлар ўтказиб, уларнинг ўз ўрнида ва тўғри ишлатилишини таъминлаш лозим.

Бахтсиз ҳодисаларни қайд қилиш ва ҳисобга олиш учун ҳар бир хўжаликда Х-1 шаклдаги журнал юритилиши шарт. Ҳисобот топшириш учун эса Т-9 шаклдаги журнал бўлиши шарт.

Ҳар бир хўжаликда меҳнатни муҳофаза қилиш биринчи навбатда уларнинг соғлигини таъминлаш борасида тиббиёт хизматини яхши йўлга қўйиш ва бу борада ҳар бир ишчиларни ҳафтасига кўрикдан ўтказиб туришни йўлга қўйишдир.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари хўжаликда ёнилғига қарши тадбирларни ўз вақтида бажариб боришни таъминлаш учун кўнгилли ўт ўчириш гуруҳларини ташкил этилиши шарт.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнининг энг биринчи мақсади инсонга соғлиги ва хавфсизлигига қаратилган бўлиши керак. Инсон учун унинг яхши яшаши ва яхши ишлаши учун шарт-шароит, қулайликлари ва имкониятлар яратилган бўлиши шарт.

Бироқ кейинги вақтларда даҳшатли бўлиб ҳисобланган инсоният учун ёппасига қирғин келтириши мумкин бўлган бир қатор ядровий қурооллар ишлб чиқилди ва янгилари ишлаб чиқилмоқда. Шу ҳолатни ҳисобга олиб бизлар доим бунга тайёр турмоғимиз шарт ва зарур бўлса бу қурооллардан ҳимояланиш чораларини кўришимиз керак.

Фуқоролар мудофасини бош вазифаси аҳолини барча қирғин қурооллардан ҳимоя қилиш уруш даврида халқ хўжалик объектлари тўхтаб қолмасдан ишлашни таъминлаш ҳамда вайронага айланган ўчоқларда ишлашни таъмилаш, қутқариш ишларини қандай олиб бориш тадбирларини ўрганишдан иборат.

Душманнинг хўжаликга тазйиқи туғилган вақтда қишлоқ хўжалик ҳайвонларин сақлаб қолиш борасида ва қирғин қуроллари таъсирини камайитишга қаратилган ишлар олиб бириши керак.

Бунинг учун ҳайвонлар сақланадиган бинолар қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ҳимоя қилиш учун тайёрланади.

Дағал ва ширали озуқалар ҳамда сув махсус жиҳозлар билан ёпилади.

Ёппасига қирғин қуроллари охирги марта ишлатилгандан кейин шу зарбадан ҳимояланиши учун қанча озуқа ва бошқа нарсалар керак бўлиши тахминан ҳисоблаб чиқилиб заҳира сифатида тўпланиши керак.

Бу ишлар учун ишлатиладиган техника ва бошқа асбоб ускуналар тайёрланиши керак.

Ядро қуролларини портлаганини ўз вақтида аниқлаш учун ҳаво, тупроқ, сув ва бошқалар ўз вақтида текширилиб турилиши керак.

Ядро қуроли зарбасининг оқими хавфи остида қолган хўжаликлардаги барча қишлоқ хўжалик ҳайвонлари иложи борида яқин атрофдаги хавфсиз жойларга зудлик билан кўчирилиши зарур. Кўчиришда албатта техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳайдалиб ёки транспорт воситалари ёрдамида кўчирилади.

Ёш ҳайвонларни эса фақат автотранспорт билан кўчирилиши лозим. Бу мақсадда темир йўл транспорти ва ҳаво йўлларида ҳам фойдаланиш мумкин.

VIII. ХУЛОСА.

1. Республикамиз вилоят ва туманларида темиртки касллиги қиш фаслида нисбатан кўпроқ учрайди, ёзда эса бироз камаяди.

2. Касаллик қўзғатувчиси (*Trichophyton verrucosum*, *T. Equinum*, *T. Mentagrophytes*, *T. Sarcisovi*, *M. Equinum*, *M. Canis* қўзғатади.

3. Қорамоллардан ажратиб олинган *Trichophyton verrucosum* културал хусусиятлари бўйича бир-биридан фарқ қилиши аниқланган.

4. Темиртки касаллигининг қўзғатувчилари ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларида анча чидамлилиги лаборатория шароитида ўрганилди 3-21 ой.

5. Касаллик юқиши трихофития қўзғатувчилари билан ифлосланган молхона асбоб анжомлари, охурлар суғориш иншоатлари ва молхонада ишлатиладиган асбоблар орқали кечади.

6. Лаборатория шароитида *Trichophyton verrucosum* вирулент штамм билан касалланиб соғайган ҳайвонга ана шу штамм қайта юборилганда ҳайвон касалланмайди.

7. Триховис вакцинаси билан марта вакцинация билан икки марта эмлаш ўтказилди. 2-4 мл тери остига интервал 20-25 кун кейин эса қон зардобини аглютинация титрини аниқладик 1:240. Демак мустаҳкам иммунитет пайдо бўлди.

8. Темиртки касаллигида симптоматик даволаш қўйидагича ўтказилади.

Ишқор формалин аралашмаси (7,0 ишқор, 7 мл формалин, 7 мл сув, 79,0 вазелин). Бу аралашма ҳар 5-6 кунда бир марта суртилади: ҳавонинг иссиқ пайтларида кутилган натижага эришилади. Бузоқлар учун эса таркиб 50% га камайтирилади. Ишлатишдан олдин яхшилаб аралаштирилади. 1-1,5% юглоннинг пахта мойидан ёки балиқ мойидаги аралашмаси аввалги юглон яхшилаб келичада эзилади. Йилнинг ҳамма фаслида натижа талаб даражасида. "ЯМ" мойи ҳар 5-6 кунда жароҳат жойига суртилади. Иқтисодий самарадорлик 21,1 %га ошади.

IX.АМАЛИЁТГА ТАВСИЯЛАР.

1. Республикамиз вилоят ва туманларида бузоқлар темираткисининг эпизоотик жараёни йилнинг сентябр ойининг охириг кунларидан бошланиб қишда авж олиши ва май ойларида пасайиши қайд қилинган. Шунинг учун ҳайвонларни профилактик эмлаш тадбирларини режалаштиришда касалликни иқлим ўзгариши бўлган хусусиятларини эътиборга олишни тавсия этамиз.

2. Бузоқлар темираткисининг профилактикасида профессор М.П.Пармонов томонидан яратилган “Триховис” суюқ вакцинаси самарали ҳисобланиб ёш бузоқларга қўллаш тавсия этилади.

3. Ҳайвонлар подасини тўлдириш мақсадида ҳайвонлар ва озуқалар темиратки касаллигидан соғлом хўжаликлардан олиб келиниши керак

4. Йилнинг илиқ кунларида ҳайвонлар лагерларда сақланиши керак. Ҳайвонларнинг ташқи мухити ва касалликларга қарши чидамлигини яъни резистентлиги ва реактивлигини ошириш чора тадбирлари кўрилиши керак.

5. Ферма худуди, яйлов, чорвачилик биноларида, озуқа ошхонасида, омборхоналарда, тегирмонларда, омухта ем заводларида ва бошқаларда амалдаги кўрсатмалар асосида кемирувчиларга қарши даврий кураш олиб борилиши керак; хўжалик худудида дайди итлар ва мушуклар бўлишига йўл қўймаслик керак;

6. Носоғлом ферма худуди ёки биноларга бегона одамлар киришга йўл қўймаслик, бу ферма билан соғлом фермалар ўртасида хўжалик алоқалари бўлмаслиги керак

Х. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, фермер ва деҳқон хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 308-сонли қарори, Тошкент, 2006.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, фермер ва деҳқон хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 842-сонли қарори, Тошкент, 2008

3.Алтухов Н.Н. «Краткий справочник ветеринарного, врача» М. «Агропромиздат» 1990 г

4.Вышелеский С.Н. Частная эпизоотология. Москва 1961 г.

5.Р.Ф.Сосов эпизоотология Москва 1961 йил.

В.Н.Рожов қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг колибактериоз салмонеллиёзи. 1973 йил.

6.А.А.Поляков Ветеринария дезинфекцияси. Москва 1975-йил.

7.А.Х. Саркисов Диогн. Грибковв заболев с/х животных М. 1985 йил.

8.М.П.Пармонов Метод. Указ по борьбе трихофитии С.Х.Ж. Т. 1990 й

10Йиғма тўплам қорамолларнинг юқумли касалликлари М 1974 йил.

11.Осидзе Д.Ф. Справочник инфекционных болезни животных. М. 1987 г.

12.. М.П.Пармонов ва бошқалар. Эпизоотология. Тошкент-1996 йил.

13. Ветеринария қонунчилиги. Тошкент 2006-йил.


14. М.Н.Мамтова “Хусусий эпизоотология” . Тошкент 2006 йил.

15. М.П.Пармонов, М.Н.Мамтова Эпизоотология маърузалар курси. Самарқанд 2007-йил.

16. М.П.Пармонов, О.А.Берник, Б.Д.Нарзиев, А.А.Абиркулов Некоторые вопросы эпизоотологии трихофитии овец. Казан 1983 г.
17. М.П.Пармонов трихофития овец в Узбекистане В.И.ЭВ. Москва 1990 йил.
18. М.П.Пармонов Н.П.Головина стригущий лишай трихофития овец в Узбекистане и стадии развития возбудителя. Ташкент 1989 йил.
19. М.П.Пармонов Эпизоотология и патогенность возбудителя трихофитии овец В.И.ЭВ 1990 йил.
20. А.Х.Саркисов Специфическая профилактика трихофитозов животных. Москва 1985 йил.
21. veterinariya.ru.ask.com
22. www.allvet.ru/
23. www.intervet.ru/
24. www.vetclub.ru/
25. www.vetby.ru/
26. www.veterinariya.narod.ru/
27. www.veterinarka.ru/
28. top.vetdoctor.ru/

ХІ ИЛОВАЛАР.





Федеральное государственное

СТАВРОПОЛЬСКАЯ

БИОФАБРИКА

ВАКЦИНА ЛТФ-130

для профилактики и терапии трихофитоза крупного рогатого скота

СТО 00482861-0071-2012
номер РУ 05-1-14.12-0787 №ПВР-1-3.1/00784